



## ИНФРАТУЗИЛМАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

*Қурбонов Жамшид Тоғаймуродович,  
магистратура тингловчиси*

*Аннотация.* Мақолада Ўзбекистонда давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий ва институционал асослари, давлат-хусусий шериклик муносабатлари ва унинг аҳамияти таҳлил қилинган. Мамлакатда ижтимоий ва иқтисодий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда ДХШларни ривожлантириш борасида тегишли таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

*Калит сўзлар:* инфратузилма, давлат-хусусий шериклик, лойиҳа, инвестиция, модернизация, хусусий сектор, қарз юки, “Аннуитет модели”, инсон капитали.

### КИРИШ

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлардан кўзланган асосий мақсад миллий иқтисодиётни барқарорлигини таъминлаш, ҳудудларда инфратузилмаларни ривожлантириш асосида аҳоли турмуш сифатини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш кабилардан иборатдир. “Ўзбекистон - 2030” стратегиясининг 64-мақсадида мамлакатдаги инфратузилмаларни ривожлантириш учун давлат-хусусий шериклик механизмларини кенг жорий этиш вазифаси белгилаб берилди [1].

2025 йил 25 декабрда “2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни (ЎРҚ-1105-сон) қабул қилинган бўлиб, унинг 10-моддасида давлат томонидан мажбуриятлар қабул қилиниши ва давлат томонидан тасдиқловчи хатлар берилиши талаб этиладиган давлат-хусусий шериклик принциплари асосида имзоланадиган барча янги лойиҳалар қийматининг чекланган миқдори 6,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида белгиланиши кўрсатиб ўтилган [2].



Бугунги кун шароитидан келиб чикиб, барча ривожланган мамлакатлар давлат-хусусий шериклик асосида инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга катта эътибор қаратишмоқда. Инфратузилмани ривожлантириш асосида ҳудудларда ишлаб чиқариш самарадорлиги ошади, давлат ва хусусий сектор ўртасидаги самарали ҳамкорлик таъминланади, бозор муносабатларини ривожланади ва аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш имкониятлари кенгаяди. Шу сабабли инфратузилмаларни ривожлантиришда давлат-хусусий шерикчилик (ДХШ) тенденцияларини таҳлил ва мониторинг қилиб бориш масаласи долзарб аҳамият касб этади.

## АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Давлат-хусусий шерикчилик тўғрисида”ги қонуни мамлакатимизда давлат-хусусий шериклик соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг тарафлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг амалга оширилиши соҳасида мониторинг ўтказиш ва ҳисобдорлик шаклларини белгилаб беради.

Шунингдек, мазкур қонунда “давлат-хусусий шериклик – давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлиги” деб таъриф берилган [3].

Давлат-хусусий шериклик муносабатларини ташкил этиш борасида хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан бир қатор тадқиқот ишлари олиб борилган.

Россиялик олим В.А. Кабашкин ўз асарида ДХШни – давлат ва бизнес ўртасида давлат бошқаруви идоралари ва хусусий тузилмалар орасида шартнома асосида амалга оширилувчи институционал ташкилий иттифоқ деб атайди [5].



Е.А. Дынин эса “ДХШ – ижтимоий неъматлар яратиш ёки ижтимоий хизматлар кўрсатиш учун узоқ муддатли ва ўзаро фойдали асосда жамият (давлат ёки маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш)нинг моддий ва номоддий ресурсларини бирлаштириш жараёнидир” деб уқтириб ўтади [6].

Маҳаллий олимлардан У.И.Джуманиязов эса “Давлат-хусусий шерикчилиги – амалдаги қонунлар доирасида давлатнинг узоқ муддатли стратегик вазифалари ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, юзага келиши мумкин бўлган турли хил иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ва бошқа таваккалчиликлар, хавф-хатарлар, рискларни тақсимлаш асосида хусусий сектор билан аҳоли учун ўта ижтимоий-иқтисодий, керак бўлса, сиёсий аҳамиятга молик объектларни куриш ёки шу аснодаги ижтимоий хизматларни кўрсатиш учун хусусий сектор билан амалга оширадиган том маънодаги ўзаро манфаатли алоқаларидир [7].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ДХШ – бу давлат ва хусусий сектор ўртасидаги муайян муддатга тузиладиган ва томонлар ўртасида ресурс, хавф-хатар ва натижалар ўзаро тақсимланадиган шартномавий келишув деб таъриф бериш мумкин.

## МЕТОДОЛОГИЯ

Мазкур тадқиқотда давлат-хусусий шерикчилик тенденцияларини ўрганиш мақсадида тизимли ва комплекс ёндашув қўлланилди. Тадқиқот жараёнида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, мавзуга оид илмий манбалар таҳлил қилинади. Таҳлил усули сифатида қиёсий ва эмпирик таҳлил, тизимли таҳлил, статистик таҳлил, контент таҳлил, мантиқий ва таққослама усуллардан фойдаланилади.

## ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Жаҳон миқёсида глобаллашувнинг кучайиши ва рақамли иқтисодиёт асрида инфратузилмаларнинг ривожланганлик даражаси ҳар қандай давлатнинг барқарорлигини белгиловчи асосий омилга айланди. Ўзбекистонда охириги йилларда ижтимоий ва иқтисодий инфратузилмаларни



ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ҳудудлар кесимида транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, автомобиль йўлларини қуриш ва қайта реконструкция қилиш, яшил энергетикани ривожлантириш ва энергия тежовчи технологияларни жорий этиш, аҳолини тоза ва доимий равишда ичимлик суви билан таъминлаш, илғор технологияларга асосланган тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, замонавий мактабгача таълим ва ўрта таълим муассасаларини барпо этиш ва ҳ.к.

Бундан кўзланган асосий мақсад инсон капиталини ривожлантириш, аҳоли турмуш сифатини ошириш, камбағал қатламни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Мазкур мақсадларни амалга оширишда давлат-хусусий шериклик муносабатлари алоҳида ўрин тутади.

Ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда давлат-хусусий шериклик муносабатларини қўллашнинг аҳамияти нисбатан қисқа вақт ичида инфратузилмаларни ривожлантиришдаги бўшлиқларни икки хўжалик юритувчи субъект – давлат ва бизнеснинг саъй-ҳаракатлари, воситалари ва хавфларини бирлаштириш орқали бартараф этиш мумкинлиги билан изоҳланади. Давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги доирасида ресурслар ва потенциалларни бирлаштириш нуқтаи назаридан давлат ҳокимияти ва хусусий секторнинг ўзаро ҳамкорлиги инвестицияларни фаол жалб қилиш, ижтимоий лойиҳаларни самарали ва ўз вақтида амалга ошириш, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш, ижтимоий инфратузилмани бошқариш даражасини ошириш ва давлат ижтимоий институтларининг ривожланишига ёрдам беради. Шу билан бирга, давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги ижтимоий ресурслар устидан давлат назоратини амалга оширишда молиявий ресурслардан, хусусий секторнинг тажрибаси ва профессионаллигидан самарали фойдаланишга ёрдам беради.

Маълумки, бутун дунёда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар капиталталаб ва кўпинча норентабел ҳисобланади, давлат бюджети эса уларни мустақил қўллаб-қувватлашни таъминлай олмаслиги сабабли давлатнинг молиявий мажбуриятлари тобора ортиб боради. Бундай вазиятда ДХШ орқали



корпоратив ва хусусий бизнеснинг маблағларини жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Бунда инвестор киритган маблағлар давлат бюджетига солиқ тушумлари ҳисобига, шунингдек, истеъмол хизматларидан ҳақ ундириш йўли билан маълум қисмларга бўлиб қайтарилади. Мазкур вазиятда ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни молиялаштиришда давлат капитали ва хусусий капиталнинг ўзаро муносабатлари бўйича ривожланган чет давлатларнинг тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда самарали тизимларни ишлаб чиқиш зарурати юзага келади.

Давлат-хусусий шериклиги – турли хил ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда давлат шериги ва хусусий сармоядорлар ўртасидаги самарали ҳамкорлик шакллари билан биридир. Биринчи навбатда тўғридан-тўғри давлат бошқаруви ва молиялаштириш объекти бўлган ижтимоий соҳа ресурсларга, замонавий бошқарув усуллари ва илғор технологияларни жорий этишга катта талабларга эга. Бюджет маблағлари ушбу муаммоларни тўлиқ ва қисқа вақт ичида ҳал қилишга имкон бермайди, шунинг учун хусусий секторнинг ваколатлари ва инвестицияларини тўғридан-тўғри жалб этиш зарурати туғилади.

Ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида 2021 йил 22 январда “Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз қучини йўқотган деб топиш ҳақида”ги ЎРҚ-669-сон Қонун қабул қилинди.

Мазкур қонунга мувофиқ, лойиҳалар бўйича ДХШ тўғрисидаги битимни ўзгартириш, унга қўшимча киритиш ёки уни бекор қилиш эквивалентдаги умумий қийматига қараб қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1 млн АҚШ долларига қадар бўлганда – ДХШ тўғрисидаги битимда белгиланган тартибда давлат шериги ва хусусий шерик томонидан мустақил равишда;



1 млн АҚШ долларидан ортиқ бўлганда – ваколатли давлат органи билан келишувга кўра;

10 млн АҚШ долларидан ортиқ бўлганда – Вазирлар Маҳкамаси билан келишувга кўра.

ДХШ лойиҳалари Осиё Тараққиёт банки, Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки, Халқаро Молия Корпорацияси, Ислон Тараққиёт банки ҳамда Жаҳон банки каби Халқаро Молия институтлари билан ҳамкорлик қилади. ДХШ лойиҳаларининг мақсади – лойиҳаларнинг сифатини ва жозибадорлигини ошириш, барқарорлигини таъминлаш, шунингдек уларни самарали ва иқтисодий тарзда амалга оширишдир.

Ҳозирги босқичда ҳудудий инфратузилмани ривожлантириш глобал иқтисодий беқарорлик, бюджет ресурсларининг чекланганлиги ва аҳоли сони ўсиши шароитида долзарб аҳамият касб этмоқда, чунки маҳаллий йўллар, ичимлик суви, энергия ва ижтимоий объектлар бўйича инфратузилмавий етишмовчиликлар давлат маблағлари ҳисобидан тўлиқ қопланмайди. Шу боис давлат-хусусий шериклик (ДХШ) механизмлари молиявий ресурсларни жалб қилиш, бошқарув самарадорлигини ошириш ва хизматлар сифатини яхшилашнинг муҳим воситаси сифатида намоён бўлмоқда.

Кўпгина ривожланаётган мамлакатлар каби Ўзбекистоннинг ҳам зарур инфратузилма лойиҳаларига сарфлаши мумкин бўлган маблағлари чекланган, хусусий сектор капитали ва тажрибасини татбиқ қилиш орқали мамлакат йирик инфратузилма лойиҳаларини ривожлантиришни рағбатлантириши ва шу билан бирга бизнес муҳити ва аҳолининг турмуш даражасини яхшилаши мумкин. Бюджет маблағлари тақчиллиги шароитида (Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2025 йилдаги бюджет ижроси бўйича берган маълумотига кўра, Ўзбекистонда бюджет тақчиллиги ЯИМга нисбатан 2,1 фоиз ёки 39,4 трлн сўмни ташкил этган) давлат органлари инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш имконини берувчи янги манбаларни излашга уринадилар. Бугунги кунда бундай муаммоларни ҳал



килувчи омил сифатида давлат-хусусий шериклик тамойилларига асосланган лойиҳалар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Кўпгина ривожланаётган мамлакатларда инфратузилма лойиҳаларининг қимматга тушиши ва маҳаллий молиявий ресурсларнинг чекланганлиги сабабли ташқи молия манбалари, жумладан халқаро молия институтлари, хорижий тўғридан-тўғри инвестициялар, расмий ривожланиш ёрдами ҳамда давлат-хусусий шерикликлари кенг жалб қилинади. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, ДХШ нафақат йирик лойиҳалар, балки маҳаллий аҳамиятга эга бўлган кичик объектлар учун ҳам самаралидир.

Хусусан, Ҳиндистон тажрибаси: Ушбу мамлакатда кичик маҳаллий йўлларни қуришда “Аннуитет модели” қўлланилади. Бунда хусусий шерик кичик масофадаги автомобиль йўлларини қуради, давлат эса унга бўлиб-бўлиб тўлов қилади. Бу модел Ҳиндистонга қисқа вақт ичида 370 дан ортиқ кичик йўл лойиҳаларини яқунлаш имконини берди.

Франция тажрибаси: Мамлакатдаги ДХШ шартномаларининг 79 фоизи муниципал ва ҳудудий даражада тузилади. Бу асосан чиқиндиларни қайта ишлаш, кўчаларни ёритиш ва маҳаллий сув таъминоти каби кичик инфратузилма объектларини ўз ичига олади.

2025 йилда Ўзбекистонда ДХШ соҳаси янги босқичга чиқди. Йил давомида умумий қиймати 4,5 миллиард АҚШ доллари қийматига тенг бўлган янги лойиҳалар ишга туширилди. Шунингдек, ушбу йилда мамлакатимизда имзоланган ДХШ келишувларининг умумий қиймати 28 млрд АҚШ долларидан ошди, уларнинг 90 фоизга яқини энергетика соҳасига тўғри келади.

Ўзбекистон 2030 йилгача мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий соҳаларини ривожлантириш учун жами 30 млрд АҚШ доллари миқдорида хусусий инвестицияларни жалб қилишни мақсад қилган [4].

Мамлакатдаги инфратузилмаларни ривожлантиришда давлат-хусусий шериклик муносабатлари борасида халқаро ҳамжамият ҳаётида етарлича тажриба тўпланган ҳамда турли моделлар ишлаб чиқилган бўлса-да, уларнинг ҳеч бири бошқа мамлакатлар учун тўлиқ андоза бўлиб хизмат қила олмайди.



Шу билан бирга, ижтимоий ва иқтисодий инфратузилмаларни ривожлантириш кўп ҳолларда ташқи молия манбалари: хорижий тўғридан-тўғри инвестициялар, халқаро молия институтлари маблағлари, расмий ривожланиш ёрдами ва давлат-хусусий шерикликлар ҳисобига амалга оширилади. Бироқ бундай ҳолларда макроиқтисодий барқарорликни сақлаш, қарз юкини самарали бошқариш ва сармояларнинг қайтарилишини таъминлаш ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда зарурий инфратузилма лойиҳаларни амалга оширишда давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини кучайтириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

давлат бюджетидан молиялаштирилаётган инфратузилма лойиҳаларини амалга оширилиши юзасидан тегишли органларнинг назоратини кучайтириш;

туман ва вилоят даражасида кичик инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишдаги мавжуд молиявий ва институционал муаммоларни аниқлаш;

инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда тендерлар ўтказиш шаффофлигини таъминлаш;

лойиҳаларнинг молиявий барқарорлиги ва инвестициявий жозибadorлигини баҳолашнинг услубий асосларини такомиллаштириш;

ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда хусусий сектор ва давлат-хусусий шериклик (ДХШ) механизмларини кенгайтириш.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатда ижтимоий ва иқтисодий инфратузилмаларни янада ривожлантириш орқали аҳоли турмуш даражасини ошириш, инсон капиталини ривожлантириш, кам таъминланган аҳоли қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшларга бўлаётган эътиборни кучайтириш Ўзбекистонни жаҳоннинг ривожланган давлатлари қаторига чиқишида асосий омил бўлиб хизмат қилади.



## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислохотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” тўғрисидаги ПФ-21-сон Фармони, 2026 йил 16 февраль.
2. Ўзбекистон Республикасининг “2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни, 2025 йил 25 декабрь, ЎРҚ-1105-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”га Қонуни, 2019 йил 10 май, ЎРҚ-537-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2024-2030 йилларда давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2024 йил 30 август, ПҚ-308-сон.
5. Кабашкин В.А. Государственно-частное партнерство в регионах Российской Федерации: учебное пособие / Кабашкин В. А. — М.: Дело, 2010. С.120.
6. Дынин Е.А. Риски бизнеса в частно-государственном партнерстве / Дынин Е. А. // Общество и экономика. — 2007. — № 5–6. С.111.
7. Джуманиязов У.И. Давлат-хусусий шерикчилиги асосида корпоратив бошқарувни ривожлантиришнинг айрим назарийуслубий масалалари/ “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2017 йил.